

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

20-сон  
(56)  
2002 й.  
октябрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;  
иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;  
учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;  
тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

152. «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 октябрдаги ПФ-3151-сон Фармони
153. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармони

### *Учинчи бўлим*

154. «Ижро ишини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 17 октябрдаги 358-сон қарори
155. «Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 октябрдаги 360-сон қарори
156. «Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси авиаация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 октябрдаги 361-сон қарори
157. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 октябрдаги 363-сон қарори

158. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплексини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарори
159. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори
160. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарори
161. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар кириши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 375-сон қарори

## ИККИНЧИ БЁЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **152 Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Конунига мувофиқ ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ташқи савдони эркинлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини ошириш, маркетинг тизимини такомиллаштириш ва мамлакат товарларини ҳалқаро бозорларга кенг кўламда киритиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги этиб қайта ташкил килинсин.

2. Куйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш ва уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда иштирок этиш;

миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича шарт-шароитлар яратиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

мамлакат товар ишлаб чиқарувчиларининг махсулотлари ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, ҳалқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа ҳалқаро хуқуқ субъектлари билан савдо-иктисодий ва молиявий хамкорлиги ривожланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий хавфсизлиги ва иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

3. «Инновация» ДАТСК, «Ўзмарказимпекс» ДАТСК, «Ўзсаноатмашимпекс» ДАТСК, «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК, «Ўзташкитранс» ДАК, «Ўрта Осиё Транс» ҳалқаро автомобилда юқ ташиш ДАК акциядорлик компаниялари Ўзбекистон Республикасининг қайта ташкил этилаётган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги таркибидан чиқарилсин ҳамда уларнинг мустақил хўжалик юритувчи субъектлар сифатида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқа-

лар комплекси раҳбари юқорида кўрсатиб ўтилган давлат-акциядорлик ташқи савдо ва транспорт компанияларининг фаолиятига, ташкилий тузилмаси ва бошқарув тизимиға танқидий баҳо бериб, уларнинг Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг объектив талабларига мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги этиб;

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакиллик бошқармалари Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари этиб қайта ташкил этилсан.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Агентликнинг минтақавий бошқармалари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги минтақавий вакиллик бошқармаларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳукуқий ворис ҳисобланадилар.

7. «Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 21 февралдаги ПФ-350-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда амалдага қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафта муддатда мазкур Фармон ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
ПФ-3151-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **153 Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида**

Мамлакатда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш давлат дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг фоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очиқ бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти хисобланади.

2. Қуидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгига спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ҳамда заарли одатлардан халос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанига меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун фурурифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жихозлаш, улардан самарали фойдаланишини таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

худуд ахолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубариини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўнікмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишини ташкил этиш ҳамда уларни тадбик қилишга кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубарини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар аа педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларидаги ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рӯёбга чиқаришга жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларни болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларida Жамғарма бўлимларини очиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Қўйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг асосий манбалари этиб белгилансин:

давлат бюджети (республика ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари;  
Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган беғараз ёрдам;

хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва хомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинадиган даромадлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:

ташқи иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда хисобварақлар очиш ҳуқуқига эга;

унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъяян мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги солиқларни, божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун тўланадиган йигимлар бундан мустасно) ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигимларни тўлашдан озод қилинади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахсларнинг, шунингдек жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки хомийлик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблағлари солиққа тортиш базасидан чикарилади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.

6. Вазирларлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятига кенг миқёса кўмаклашиб, ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришга номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Васийлик кенгашининг фикри ҳал қилувчи деб ҳисоблансан.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг кўламда ёритиб, мамлакатда болалар-ўсмиirlар оммавий спортини ривожлантириш ишидаги ижобий тажрибани тарғиб қилсинлар, шунингдек Жамғарманинг фаол ҳомийлари ахборот жиҳатдан қўллаб-қувватланишини, шу жумладан реклама қилинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 24 октябрь,  
ПФ-3154-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **154    Ижро ишини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

«Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда ижро ишини янада такомиллаштириш ва суд ижрочилари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Ижро ишини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

Жамғарманинг даромадлари ижро хужжатлари бўйича мажбурий тартибда давлат даромадига ундирилган суммадан 30 фоиз ажратмалар, шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобига шакллантирилади;

Жамғарманинг маблағларидан Департаментнинг ҳудудий бўлимлари ва суд ижрочилари туман (шахар) бўлинмалари биноларини куриш, таъмирлашда ва уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлашда, шунингдек суд ижрочилари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланилади.

Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори зиммасига юкланди.

3. Ижро ишини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 17 октябрь,  
358-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 17 октябрдаги 358-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ижро ишини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

1. Ижро ишини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда матнда «Жамғарма» деб юритилади) «Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментида (кейинги ўринларда матнда «Департамент» деб юритилади) ташкил этилган ва суд ижрочиларини қўшимча равишда маблағ билан таъминлашга ҳамда улар фаолиятининг моддий-техник таъминотини яхшилашга мўлжалланган.

2. Жамғарма маблағлари:

- а) ижро ишини амалга ошириш бўйича бюджетга ундирилган суммадан 30 фоиз ажратмалар;
- б) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар хисобига шакллантирилади.

3. Жамғарма маблағлари:

- а) Департаментнинг ҳудудий бўлимлари ва суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмалари биноларини куриш, жихозлаш, таъмирлаш, инвентарлар, ташкилий техника воситалари билан таъминлаш, компьютерлаштиришга;
- б) ижро ишларини амалга оширишдаги зарур харажатларга;
- в) суд ижрочилари умумий сонининг 10 фоизигача доирада суд ижрочилари қўшимча штат бирликлари таъминотига;
- г) хизмат мақсадлари учун автотранспорт ва техника воситалари сотиб олишга, уларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатишга;
- д) суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш (Департамент ходимларига уй-жойлар куриш, уларни санаторий-курортда ва тиббий даволаш, маошларига устамалар ва қўшимчалар белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш)га;
- е) Жамғарма захирасини яратишга;
- ж) ижро ишини такомиллаштириш билан боғлиқ бошқа мақсадларга йўналтирилади.

4. Суд ижрочиларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш ва уларнинг Жамғарма маблағлари хисобига таъминоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича амалга оширилади.

5. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларини ривожлантириш дастурларини маблағ билан таъминлаш воситасида амалга оширилади.

Суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлинмаларини ривожлантириш дастурлари, уларни маблағ билан таъминлаш миқдорлари, шунингдек Жамғарманинг ҳар йили захирага қўйиладиган маблағлари миқдори Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланади.

6. Жамғарма Кенгашига Департамент директори раҳбарлик қиласи, унинг таркибида шунингдек Департамент директорининг ўринбосари, Департамент бўлимлари бошликлари ва Департамент ҳудудий бўлимлари бошликлари киради.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича қарорлар Жамғарма Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Дастурлар бўйича харажатлар сметаларини Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланган лимитлар доирасида тасдиқлаш ва уларга тузатишлар киритиш, шунингдек Жамғарманинг захира маблағларидан фойдаланиш Департамент директори зиммасига юкланди.

7. Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлаш бўйича жорий ишлар Департамент томонидан амалга оширилади.

8. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

9. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги хисобот хар ўили Жамғарма Кенгаши томонидан кўриб чиқилади ва Департамент томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ҳамда белгиланган тартибда Молия вазирлигига тақдим этилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### **155      Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Литва Республикаси билан савдо-иктисодий ва инвестиция ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23-25 сентябрда Литва Республикасига расмий ташрифи давомида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Литва Республикасига расмий ташрифи давомида имзоланган 1-иловага мувофиқ хужжатлар амалга оширилиши устидан мунтазам мониторинг ва назорат ўрнатсинлар.

2. Литва Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва савдо айланмасини янада кўпайтириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Куйидагилар Литва Республикаси билан инвестиция ҳамкорлигининг устувор йўналишлари хисоблансин:

маҳаллий хом ашё чуқур ишланиши, қайта ишлаш тармоқларининг экспорт салоҳияти оширилиши таъминланган ҳолда республика енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарини замонавийлаштириш;

қурилиш материаллари ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни, мебель саноатини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш;

транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш ва мамлакатимиз маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кўпайтириш шартларида Литва Республикасида қўшма корхоналар ташкил этилишига тўғридан-тўғри инвестициялар қўйиш.

---

\* 2-илова берилмайди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги манфаатдор вазирлар ва идоралар билан биргаликда З-иловага\* мувофиқ лойиҳалар ишлаб чиқилиши ва уларнинг экспертиздан ўтказилиши ташкил этилишини, шунингдек кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни кўллаб-куватлаш учун жалб этиладиган кредит линиялари доирасида уларни маблаг билан таъминлаш манбалари аниqlанишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 18 октябрь,  
360-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 18 октябрдаги 360-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Литва  
Республикасига расмий ташрифи давомида имзоланган  
хужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида шартнома (Вильнюс, 2002 йил 24 сентябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Литва Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида протокол (Вильнюс, 2002 йил 24 сентябрь).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Литва Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона департаменти ўртасида қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим (Вильнюс, 2002 йил 24 сентябрь).

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий университети ва Вильнюс университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома (Вильнюс, 2002 йил 24 сентябрь).

---

\* З-илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **156 Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 48-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси авиаация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўз идоравий норматив хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирасин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов**

Тошкент ш.,  
2002 йил 21 октябрь,  
361-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 21 октябрдаги 361-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Ўзбекистон Республикаси давлат авиацияси авиаация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхати**

### **1. Учувчилар таркибига кирувчи шахслар лавозимлари**

- авиаация борттехники — йўриқчиси;
- авиаация борттехники — йўриқчиси (катта йўриқчиси);
- авиаация борттехники;
- авиаация борттехники (авиация ва десант жиҳозлари бўйича) (катта авиаация борттехники);
- авиаация борттехники — йўриқчиси (авиация ва десант жиҳозлари бўйича) (катта йўриқчиси);
- бортмуҳандис — синовчи;
- бортмуҳандис — йўриқчи (авиация ва десант жиҳозлари бўйича);
- бортмуҳандис — ҳаво кемаси йўриқчиси (катта йўриқчиси);
- ҳаво кемасининг бортмуҳандиси;
- бортмуҳандис;
- бортмеханик (жумладан катта бортмеханик);
- бортрадист — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- борттехник — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- ҳаво радисти (шу жумладан катта ҳаво радисти);
- ҳаво радисти — (офир самолёт) оператори (шу жумладан катта оператори);

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

- парвоз экипажи алоқаси бўйича навбатчи;
- (парашют — десант гуруҳи ва қидириш-қутқариш хизмати) йўриқчи-методисти;
- вертолёт командири;
- ҳаво кемаси командири;
- учувчи — йўриқчи (шу жумладан катта йўриқчи);
- учувчи — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- (вертолёт) учувчи — штурмани;
- (вертолёт) учувчиси;
- учувчи (шу жумладан катта учувчи);
- учувчи — методист (вертолётларда);
- учувчи — методист (самолётларда);
- борт алоқа узели бошлифи;
- (ҳаво-ўт очиш ва тактик тайёргарлик) офицер-учувчиси;
- ҳаво кемаси командири ёрдамчиси;
- штурман — синовчи;
- штурман — учувчи;
- ҳаво кемаси штурмани.

## **2. Ҳаво қатновини ташкил этувчи ва унга хизмат кўрсатувчи мансабдор шахслар**

- Фазодан фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизими бош маркази бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- навбатчи смена бошлиги;
- диспетчерлик пункти бошлиги;
- команда бериш пункти бошлиги — жанговар бошқарув бўйича бригада штаби бошлигининг ўринбосари;
- фазодан фойдаланишни бошқариш туман маркази бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- парвозлар режимини назорат қилиш бўйича смена бошлигининг ёрдамчиси (шу жумладан катта ёрдамчи);
- оператив навбатчи ёрдамчиси;
- парвозлар раҳбари;
- штурман — (учиб ўтишлар бўйича) смена бошлифи ёрдамчиси (шу жумладан катта ёрдамчи);
- (хавфсизлик ва режим бўйича) штурман (шу жумладан катта штурман).

## **3. Ҳаво кемалари парвозларини ташкил этувчи мансабдор шахслар**

- муҳандислик — авиация хизмати (бирлашмаси) барча номлар ва ихтисослардаги бош муҳандислар;
- муҳандислик — авиация хизмати (авиация-техника отряди) барча номлар ва ихтисослардаги муҳандислари;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари бўйича Куролли Кучлар бирлашган штаби бошлигининг инспектор-маслаҳатчиси;
- авиация отряди командири;
- авиация — техника отряди командири;
- авиация — техника базаси командири (шу жумладан ўринбосарлари);

- алоқа ва радиотехника таъминоти батальони командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- бригада командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- звено командири;
- ўкув звеноси командири;
- ўкув эскадрильяси командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- эскадрилья командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- (аэродромдан фойдаланиш, аэродромни таъмирлаш, техника, автомобиль, ёнилғи қуиши, электрогаз, электротехника) взводлари (гурухлари) командирлари;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари ва ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондени;
- вертолёт авиацияси бошлифи;
- ҳаво-ўт очиш ва тактик тайёргарлик (қўшилмаси, отряди) бошлифи;
- алоқа ва радиотехника таъминоти қўшинлари бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- Фазодан фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизими бош маркази бошлифи;
- (бирлашма) таъминлаш гурухи бошлифи — разведка бўйича катта офицер;
- муҳандислик — авиация хизмати бошлифи — (бирлашма) бош муҳандиси (шу жумладан ўринбосарлари);
- муҳандислик — авиация хизмати (қўшилмаси) бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- муҳандислик — авиация хизмати (эскадрильяси) бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- метрология хизмати (бирлашмаси) бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- метрология хизмати (қўшилмаси) бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- оператив бошқариш бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- бўлим бошлифи — (бирлашма) бош штурмани;
- бўлим бошлифи — парвозлар хавфсизлиги бўйича катта инспектор;
- парвозлар вақтидаги ҳодисаларни текшириш ва профилактика қилиш бўлими бошлифи;
- учишга тайёргарлик бўлими бошлифи;
- (парвозларни таъминлаш устидан) назорат бўлими бошлифи;
- (парвозларни амалга ошириш устидан) назорат бўлими бошлифи;
- (қидириш-күтқариш ва парашют-десант хизмати (қўшилмаси) бошлифи;
- разведка (ва радиоэлектрон воситасида кураши) (қўшилмаси) бошлифи;
- (самолётларни тайёрлаш) расчёти бошлифи;
- алоқа бошлифи — катта ҳаво (қўшилма) радисти;
- алоқа бошлифи — катта ҳаво (эскадрилья) радисти;
- (қидириш-күтқариш ва парашют-десантни тайёрлаш) хизмати бошлифи — катта инспектор-учувчи;
- техника-фойдаланиш қисми (звеноси) бошлифи;
- техника-фойдаланиш қисми (қўшилмаси) бошлифи (шу жумладан ўринбосарлари);
- ҳарбий-ҳаво кучлари бошқармаси бошлифи;
- фронт авиацияси бошлифи;
- муҳандислик-авиация хизмати (қўшилмаси), фотоназорат, назорат, ракеталарни тайёрлаш, энергетика таъминоти, баландлик анжомлари ва жихозлари, хизмат кўрсатиш ва регламент (аниқлаш воситалари);

- назорат-ёзиш аппаратлари ва ахборотларни ишлаш, тормоз-парашют тизимлари барча номлар ва ихтисослардаги гурухлари бошликлари;
- (эскадрилья) штурмани ёрдамчиси;
- барча номлар ва ихтисослардаги мұхандислик-авиация хизмати (қүшилмала-ри) катта мұхандислари;
- катта хаво радисти — инспектори;
- парвозларни таъминлаш бўйича катта инспектор;
- парвозлар хавфизилиги бўйича катта инспектор;
- алоқа ва радиотехника асбоб-ускуналари бўйича радиотехника таъминоти бўли-ми катта офицери;
- (бирлашма) катта штурмани;
- (қўшилма) катта штурмани;
- (отряд) штурмани (шу жумладан катта штурман);
- (қўшилма) штурмани;
- (ўқув эскадрильяси) штурмани;
- (эскадрилья) штурмани.

#### **4. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишни амалга оширувчи мансабдор шахслар**

— ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, уларни диагностика қилиш ва таъмирлаш, фотоназорат, назорат, ракеталарни тайёрлаш, энергетика таъминоти, баландлик анжомлари ва жиҳозлари, (аниқлаш воситалари)га хизмат кўрсатиш ва регламент, назорат-ёзиш аппаратлари ва ахборотларни ишлаш, тормоз-парашют тизимлари бўйича барча номлар ва ихтисослардаги авиация механизми (механик) (шу жумладан катта механик);

— ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, уларни диагностика қилиш ва таъмирлаш, фотоназорат, назорат, ракеталарни тайёрлаш, энергетика таъминоти, баландлик анжомлари ва жиҳозлари, (аниқлаш воситалари)га хизмат кўрсатиш ва регламент, назорат-ёзиш аппаратлари ва ахборотларни ишлаш, тормоз-парашют тизимлари бўйича барча номлар ва ихтисослардаги авиация техники (техник) (шу жумладан катта техник);

— ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, улардан фойдаланиш, уларни диагностика қилиш ва таъмирлаш, фотоназорат, назорат, ракеталарни тайёрлаш, энергетика таъминоти, баландлик анжомлари ва жиҳозлари, (аниқлаш воситалари)га хизмат кўрсатиш ва регламент, назорат-ёзиш аппаратлари ва ахборотларни ишлаш, тормоз-парашют тизимлари бўйича барча номлар ва ихтисослардаги секциялар командирлари;

— яқин навигация, радиотехника тизими, қўндириш радиомаяк гурухи, радио ва ёруғлик техникаси билан таъминлаш гурухи, прожектор секцияси, узатиш радиостанцияси, самолётларни қўндириш тизимлари, радиолокация бўлими, станцияси механизми (шу жумладан катта механик);

— радио-ёруғлик техникаси билан таъминлаш узели, яқин навигация радиотехника тизими, радиомаяк, радиомаркёр пункти, радиотехника станцияси, сменаси, старт-га команда бериш пункти, самолётларни қўндириш тизимлари, радиопеленгатор пункти, радиолокация бўлинмаси, радиолокация станцияси бошлиги;

— (самолётларни тайёрлаш) расчёти бошлиги ёрдамчиси;

— яқин навигация, радиотехника тизими, қўндириш радиомаяк гурухи, радио ва ёруғлик техникаси билан таъминлаш гурухи, прожектор секцияси, узатиш радиостанцияси, самолётларни қўндириш тизимлари, радиолокация бўлими, радиолокация станцияси техники (шу жумладан катта техник).

**5. Ҳаво кемалари парвозларини таъминлашни амалга оширувчи мансабдор шахслар**

- диспетчер (учиб ўтишлар ва қўнишлар бўйича) (шу жумладан катта диспетчер);
- диспетчер;
- жанговар бошқарув гурухи бошлиғи;
- парвозларга раҳбарлик қилиш гурухи бошлиғи;
- оператив гурух бошлиғи (авиацияни қидириш-қутқариш билан таъминлаш бўйича);
- авиацияни тартибга солиш пункти бошлиғи;
- жанговар бошқарув расчёти бошлиғи;
- (навигация ахбороти) хизмати бошлиғи;
- авиацияни жанговар бошқариш маркази бошлиғи (шу жумладан ўринбосарлари);
- (парвозлар ва учиб ўтишларни) бошқариш маркази бошлиғи;
- оператив навбатчи;
- (яқин навигация радиотехника станцияларининг авиацияни тартибга солиш приборлари ва самолётларни қўндириш тизимлари) оператори (шу жумладан катта оператор);
- (жанговар бошқарув) офицери;
- (тартибга солиш ва мақсадни кўрсатиш) офицери;
- парвозлар раҳбари ёрдамчиси (шу жумладан катта ёрдамчи);
- парвозлар раҳбари ёрдамчиси (қўниш зонаси раҳбари);
- (навигация ахбороти хизмати) катта офицери;
- (авиацияни қидириш-қутқариш билан таъминлаш бўйича) гурух катта офицери;
- парвозлар раҳбарининг катта ёрдамчиси (яқин зона раҳбари);
- штурман (шу жумладан катта штурман);
- тартибга солиш штурмани (шу жумладан катта штурман).

**6. Рўйхатнинг 1–5-бандларига киритилмаган, авиация тайёргарлигини ва авиация спортини ривожлантиришни таъминловчи мансабдор шахслар**

- мухандис-авиамоделчи;
- йўрикчи-учувчи-парашютчи;
- парашют-десант хизмати йўрикчиси;
- ўта енгил учиш аппаратлари учувчи-йўрикчиси;
- авиация-спорт клуби бошлиғи;
- авиация-техник спорт клуби бошлиғи;
- аэроклуб бошлиғи;
- авиация тайёргарлиги ва спортнинг авиация турлари бўлими бошлиғи;
- техник-авиамоделчи;
- ўта енгил учиш аппаратлари техники.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **157 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартиришлар киритиш түғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қўйидаги қарорларига ўзгартиришлар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чаканалаб сотиш қоидаларини тасдиқлаш түғрисида» 1997 йил 14 июлдаги 355-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Қимматбаҳо металллар ҳамда қимматбаҳо тошлардан ясалган маҳсулотларни чакана савдо корхоналарида сотиш қоидаларининг З-бандидаги «барча хўжалик юритувчи субъектлар (савдо корхоналари, тадбиркорлар)га» сўzlари «барча юридик шахсларга ва уларнинг таркибий бўлинмаларига» сўzlари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятинг айрим турлари билан шуғулланишни тартибга солиш түғрисида» 2002 йил 4 июндаги 197-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 30-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилансинки, илова қилинаётган рўйхатга кирмаган тадбиркорлик фаолияти турлари билан жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмасдан белгиланган тартибда шуғулланишлари мумкин, қонун хужжатларига мувофиқ фаолиятнинг факат юридик шахслар шуғулланишлари мумкин бўлган айрим турлари бундан мустасно».

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 22 октябрь,  
363-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **158 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплексини ташкил этиш түғрисида**

Экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, мамлакатимиз маҳсулотларининг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулад шарт-шароитлар яратиш, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамаси аппарати тузилмасида Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси ташкил этилсин.

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Қўйидагилар Ташқи иқтисодий алоқалар комплексининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ташқи иқтисодий, савдо алоқаларини ривожлантириш ва амалга оширишга доир фаолиятни мувофиқлаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш;

ташқи иқтисодий алоқаларнинг ахволи ҳамда ташқи иқтисодиёт хавфсизлиги устидан давлат назоратини таъминлаш;

экспорт салоҳиятини ривожлантиришга, миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлигини ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимиға интеграциялашувини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

қуладай инвестиция мухитини шакллантиришга, иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш чора-тадбирларни мувофиқлаштириш;

энг мухим ташқи иқтисодий, инвестиция ва ташки савдо шартномалари (битимлар, контрактлар, протоколлар ва бошқалар) тайёрланиши ва амалга оширилиши устидан мунтазам мониторинг олиб борилишини таъминлаш.

2. Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси таркибига киритилсин ва Комплекснинг ишчи органи этиб белгилансин.

### 3. Қўйидагилар:

Бош вазир ўринбосари — Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси раҳбари аппратининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестиациялар департаменти тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорла-рига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 22 октябрь,  
364-сон

---

\* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментининг  
ТУЗИЛМАСИ**

**Департамент бошлиғи**

1-тоифали иш юритувчи-котиба — 1

<p>Экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва импорт ўрнини тўлдириш (ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш) масалалари гурухи 7 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 3 Етакчи мутахассис — 3</p>	<p>Халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан алоқалар ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик гурухи 5 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 3 Етакчи мутахассис — 1</p>	<p>Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторлар билан ишлаш масалалари гурухи 5 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 2 Етакчи мутахассис — 2</p>	<p>Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик масалалари гурухи 3 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 1 Етакчи мутахассис — 1</p>
<p>Экспорт имкониятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши котибияти Етакчи мутахассис — 1</p>	<p>Ташқи иқтисодий алоқаларни хуқуқий таъминлаш гурухи, 3 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 1 Етакчи мутахассис — 1</p>	<p>Ташқи савдо ва транспорт акциядорлик корхоналари фаолияти мониторинги гурухи, 3 киши, шу жумладан: Гурух раҳбари — 1 Бош мутахассис — 1 Етакчи мутахассис — 1</p>	

Ходимларнинг умумий сони: 29 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва  
хорижий инвестициялар департаменти тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти (кейинги ўринларда «Департамент» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ташқи иқтисодий алоқалар комплексининг таркибий бўлинмаси қисобланади.
2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, халқаро шартномаларга, шунингдек мазқур Низомга амал қиласди.

3. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Бош вазир, Бош вазир ўринбосари — Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси раҳбари раҳбарлигига амалга оширади ҳамда бевосита уларга хисоб беради, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига хисоб беради.

4. Департамент ўзбек ва инглиз тилларида ёзилган ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ўз бланкасига эгадир.

**II. Департаментнинг тузилмаси ва мақоми**

5. Департамент таркибига кўйидагилар киради:

Экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва импорт ўрнини тўлдириш (ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш) масалалари гурухи;

Халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан алоқалар ҳамда Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик гурухи;

Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторлар билан ишлаш масалалари гурухи;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорлик масалалари гурухи;

Ташқи иқтисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш гурухи;

Комплекс тузилмасига киравчи ташқи савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари фаолияти мониторинги гурухи;

Экспорт имкониятини ривожлантиришни рафбатлантириш Республика кенгаси котибияти.

Департамент таркибига, шунингдек мустақил юридик шахс бўлган Ўзбекистонда Евropa Итифоқи Комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш Бюороси («ЎзбюроKEC») ҳам киради.

6. Департамент ишларига, мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилган Департамент бошлиғи раҳбарлик қиласди.

7. Департамент бўлинмалари ишини Ўзбекистон Республикаси вазирининг ўринбосарига тенглаштирилган гуруҳ раҳбарлари бошқаради.

8. Департамент бошлиғи ва бўлинмалар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод килинади.

### **III. Департаментнинг асосий вазифалари**

9. Қўйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) экспорт имкониятини кенгайтириш ва импортнинг ўрнини тўлдириш (ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш) соҳасида:

вазирликлар, идоралар ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий бошқарув органларининг республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

жаҳон товар бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва экспорт таркибини янада такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги хамда Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда тварлар (ишлар, хизматлар) экспортининг ҳар йилги прогнозларини шакллантириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

экспорт маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш бўйича потенциал имкониятларни таххил қилиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга доир таклифлар тайёрлаш; хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар айрим турлари импортининг ўрнини қоплаш тармок дастурларини шакллантиришга доир ишларни ташкил этиш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

республика вазирликлари ва идораларининг хорижий мамлакатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик дастурларини амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) ҳалқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро молия ва иқтисодиёт ташкилотлари билан алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиша қатнашиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат бошқарув органларининг Жаҳон савдо ташкилотига кириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

халқаро молия ва иқтисодиёт ташкилотларининг имтиёзли кредитлари ва грантларини, техникавий қўмаклашиш воситаларини мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва дастурларини амалга ошириш учун жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг донор мамлакатлар билан молиявий ва техникавий ҳамкорлиги дастурлари мониторингини олиб бориш;

ваколатли тижорат банкларининг ҳалқаро молия институтлари маблағларини Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга жалб этишга доир ишларини мувофиқлаштириш;

в) хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторлар билан ишлаш соҳасида:

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция мухитининг ахволини таҳлил қилиш ва уни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномалари тузилиши ва уларнинг шартларига ҳамда энг мухим лойихаларнинг техник-иктисодий асослаш параметрларига риоя қилиниши мониторингини амалга ошириш;

потенциал инвесторларни Ўзбекистон Республикасида инвестиция мухити тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий кредитлар ва бевосита инвестицияларни инвестиция дастурлари ҳамда устувор лойихаларни амалга ошириш учун жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

вазирликлар, идоралар ва маҳаллий бошқарув органларига хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этишда ва уларнинг фаолиятини ўйла кўйишда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар лойихалари рўйхатини шакллантиришда ва мазкур лойихаларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг ташкил этишда қатнашиш;

Вазирлар Маҳкамаси котибиятлари ва Департаментлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида амалга ошириладиган энг йирик ва стратегик жиҳатдан мухим инвестиция лойихаларининг техник-иктисодий асослашларини, маблағ билан таъминлаш схемаларини кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳамкорлик соҳасида;

МДҲ мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ташки иктисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама иктисодий ҳамкорлик шартномалари ва битимларини тайёрлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

вазирликлар ва идораларнинг минтақавий ҳамкорлик соҳасидаги битимларнинг МДҲ доирасида бажариш масалаларидаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

МДҲга аъзо давлатлар иштирокида иктисодий гурухлар билан ҳамкорлик соҳасида ягона сиёсатни шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

д) ташки иктисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида:

ташки иктисодий алоқаларнинг, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

энг мухим инвестиция лойихалари бўйича шартномалар (контрактлар, битимлар)-нинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишни мувофиқлаштириш;

энг мухим ташки иктисодий, инвестиция, ташки савдо шартномалари (битимлари, контрактлари, протоколлари ва бошқалар)ни тайёрлаш, тузиш ва амалга ошириш жараёнларини ҳуқуқий таъминлаш ҳамда энг мухим инвестиция лойихаларини амалга ошириш барча босқичларининг мунтазам мониторингини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлари томонидан имзоланган икки томонлама ва кўп томонлама идоралараро битимларнинг бажарилиши мониторингини амалга ошириш;

е) Комплекс таркибига кирувчи ташки савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари фаолияти мониторинги соҳасида:

ташқи савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари фаолияти устидан назоратни таъминлаш;

ташқи савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари томонидан давлат экспорт дастурлари ва импорт бўйича топширикларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, улар томонидан амалга ошириладиган энг йирик контрактлар самарадорлигини баҳолаш.

#### **IV. Департаментнинг асосий функциялари**

10. Департамент ўз зиммасига юклangan вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни бажаради:

Департаментнинг юритишига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Хукумат қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириклари бажарилишини назорат қилиш;

а) экспорт имкониятини кенгайтириш ва импортнинг ўрнини тўлдириш (ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш) соҳасида:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича экспорт қилувчи корхоналарни рафбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозини ишлаб чиқиш ва унинг бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини тайёрлаш;

импортнинг ўрнини тўлдириш ва маҳаллий хом ашё негизида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини, мамлакат корхоналари ва ташкилотларини ҳарбий-техник мол-мулк ва маҳсус технологиялар билан жиҳозлаш масалалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш;

б) халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлиги, шунингдек ҳам қарз олинган, ҳам қарз олинмаган операцияларни кенгайтириш стратегиясини ишлаб чиқишида қатнашиш;

халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш хамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар ва донор мамлакатлар билан молиявий ва техник ҳамкорлиги дастурлари мониторингини олиб бориш;

Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ҳамда Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар билан битимлар лойиҳаларини тайёрлаш, шунингдек имзоланган битимлар бажарилишини назорат қилиш;

халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар иштирокида ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган лойиҳалар мониторингини олиб бориш;

халқаро молия ва иқтисодий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари фаолиятига кўмаклашиш, уларга зарур иқтисодий ахборотларни, шу

жумладан маҳфий тусдаги ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш ишларини мувоғиқлаштириш;

Жаҳон савдо ташкилоти билан ҳамкорлик қилиш жараёнини ташкил этиш ва Жаҳон савдо ташкилотига кириш бўйича Идораларо комиссия котибияти функцияларини бажариш;

республика вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг маблағ билан таъминлаш ва суғурталашни ташкил этиш юзасидан ҳалқаро молия институтлари, хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари билан ўзаро ҳамкорлигини мувоғиқлаштириш;

в) хорижий инвестицияларни жалб этиш ва хорижий инвесторлар билан ишлashing соҳасида:

хорижий давлатларнинг сиёсий ва ишбилармон доиралари, ҳалқаро молия-иктисодий институтлар ва хорижий банкларнинг республикадаги инвестиция мухити ва амалга оширилишида хорижий инвесторлар қатнашиши мумкин бўлган лойиҳалар тўғрисида кенг ҳабардор қилинишини ташкил этиш;

ҳалқаро ташкилотларнинг техник-иктисодий асослаш ишлаб чиқилишига мўлжалланган ва хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишига кредитлари ва техник ёрдамидан самарали фойдаланилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг Комплекслари котибиятлари ва Департаментлари кўмагида, хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда амалга ошириладиган айrim инвестиция лойиҳалари бўйича Ҳукумат қарорлари тайёрланиши, қабул қилиниши ва уларнинг ижро этилиши назорат қилиниши жараёнини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ва Ташқи иктисодий алоқалар агентлиги хузурида ташкил этиладиган хорижий инвестициялар жалб этилишини ахборот билан таъминлаш бўйича маҳсус гуруҳлар фаолиятини мувоғиқлаштириш;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг ташкилий масалалари ўз вақтида ҳал этилиши мониторингини олиб бориш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторлар билан ишлashing масалаларида «Ўзинвестлойиҳа» республика инжинииринг компанияси, Хорижий инвестициялар бўйича агентлик ва инвестиция жараёнининг бошқа катнашчилари фаолиятини мувоғиқлаштириш;

г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан иктисодий ҳамкорлик соҳасида:

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иктисодиёти ривожланишининг ахволини ва уларда иктисодий ислоҳотларнинг боришини тахлил қилиш ҳамда улар билан иктисодий ҳамкорлик қилиш стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

Вазирлар Маҳкамаси Комплекси котибиятлари ва Департаментлари билан биргаликда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик шартномалари ва битимлари тайёрлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ишларини мувоғиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари субъектлари билан имзолаган икки томонлама ва кўп томонлама идоралараро битимларнинг бажарилишини назорат қилиш.

д) ташқи иктисодий алоқаларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасида:

ташқи иктисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ишларини мувоғиқлаштириш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги норматив ҳуқуқий амалиётни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг мавқеини ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантиришга, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша қатнашиш;

энг муҳим ташқи иқтисодий, инвестиция, ташқи савдо шартномалари (битимлари, контрактлари, протоколлари ва бошқалар)нинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш ҳамда энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида мунтазам мониторингни ташкил этиш;

е) Комплекс таркибиға киравчи ташқи савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари фаолияти мониторингини олиб бориш соҳасида;

ташқи савдо ва транспорт акциядорлик компаниялари фаолияти самарадорлиги ни таҳлил қилиш ҳамда уни ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши;

ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг келишилган савдо ва маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиши;

акциядорлик компаниялари учун давлат экспорт дастурларини ва импорт бўйича топшириқларни шакллантиришда қатнашиш;

стратегик товар позициялари бўйича энг йирик контрактларнинг амалга оширилиши самарадорлигини баҳолаш.

## V. Департаментнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 11. Департамент қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари котибиятлари, бўлимлари ва Департаментларидан, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар, корхоналардан, шунингдек барча даражалардаги давлат бошқаруви органларидан Департамент ваколатига киравчи масалалар бўйича материалларни сўраб олиш;

хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек давлат-тижорат банкларининг хисоботларини эшитиш ва ўз ваколатлари доирасида уларга топшириқлар бериш;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги энг муҳим муаммоларни маслаҳатлашиш, ўрганиш ва ҳал этиш, ушбу соҳада таклифлар тайёрлаш учун вактинчалик ишли гурухлар тузиш учун Ўзбекистон Республикаси олимлари ва мутахассисларини, шунингдек хорижий экспертларни жалб қилиш;

молиявий ва техник қўмаклашиш юзасидан ҳалқаро молия ва иқтисодий ташкилотларга ва хорижий агентликларга сўровлар бериш;

ҳалқаро ҳамкорлик масалалари бўйича ҳалқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва кенгашлар ишида, давлатлараро ва ҳуқуматлараро ҳамкорлик масалаларига доир музокараларда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплекси раҳбари билан келишилган ҳолда қатнашиш;

вазирликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида кенгашлар ўтказиш, уларнинг ҳайъатлари ишида, Вазирлар Маҳкамаси, ижроия ҳокимият маҳаллий органлари мажлисларида, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва корхоналарда ги кенгашларда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ташки иқтисодий ва инвестиция фаолияти юзасидан такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идорлари билан, шунингдек ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро, хорижий, молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан мустақил равишда ёзишмалар олиб бориш;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ахборотларидан маълумотлар электрон базаларидан фойдаланиш;

«Ўзмаҳсусимпэкс» давлат корхонаси орқали давлат харидлари портфелини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг ҳарбийлаштирилган тузилмаларидан ҳарбий-техник мол-мулкка ва маҳсус технологияларга бўлган эҳтиёж тўғрисида ахборотларни белгиланган тартибда сўраб олиш.

**12. Департамент қўйидагиларга мажбур:**

хорижий инвестициялар жалб қилинган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги натижаларини, товарлар (хизматлар) экспорти ва импортининг йиллик ва узоқ муддатли прогнозларини, импортнинг ўрнини тўлдириш ва ишлаб чиқарishни маҳаллиялаштириш дастурлари бажарилишини, шунингдек Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари бажарилиши бўйича хисоботларни Вазирлар Махкамаси раҳбарияти кўриб чиқиши учун тақдим этиш;

вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Вазирлар Махкамаси қарорларининг ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар жалб қилинган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши юзасидан бажарилишини амалий назорат қилиш;

молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг, хорижий хукумат муассасаларининг ва йирик инвесторларнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифларини ишлаб чиқиш.

**13. Департамент ўзи қабул қилган қарорлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда белгиланган ўз ваколатлари доирасида жавоб беради.**

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар  
киритилаётган қарорлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаментини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 5 мартағи 112-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аппаратининг тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2001 йил 29 сентябрдаги 395-сон қарорида:

1-иловада I бобнинг 4-банди, II бобнинг 2-банди, III бобнинг иккинчи ва олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

2-иловада I боб 5-бандининг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси комплекслари раҳбарияти тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 310-сон қарорига 2-иловада «Ўзбекинвест» сўзи чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **159 Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида бошқарув тизимини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 21 октябрдаги ПФ-3151-сон Фармонига мувофиқ ҳамда ташқи савдо алоқаларини ва иқтисодий алоқаларни ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва унинг марказий аппарати тузилмаси 1\*, 1-а ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари намунавий тузилмаси 4 ва 4-а-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 174 кишидан ҳамда унинг худудий бўлинмалари ходимларининг чекланган сони 75 кишидан иборат этиб белгилансан.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисига ходимларининг белгиланган чекланган сони доирасида бошқарув тузилмасига ўзгартишлар киритиш хуқуқи берилсан.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига раиснинг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган 11 кишидан иборат ҳайъат бўлишига рухсат этилсан.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси мақомига кўра вазирга, Раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари тегишли равища вазирнинг биринчи ўринбосарига ва ўринбосарига тенглаштирилсан.

4. Белгилансинки, Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Агентликнинг минтақавий бошқармалари Агентлик вазифалари ва функцияларини жойларда амалга оширадилар ҳамда ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раҳбарлигига олиб борадилар;

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги минтақавий бошқармаларининг раҳбарлари мақомига кўра вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари хисобланади.

6. «Инновация» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси «Ўзинтеримпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компаниясига айлантирилсан, унга дехқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишини ташкил этиш функцияси юклансин.

\* 1, 4, 4а иловалар берилмайди.

7. Белгилансинки, «Ўзмарказимпэкс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Марказсаноат-экспорт» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўзинтеримпекс» давлат ташқи савдо акциядорлик компанияси, «Ўзташкитранс» давлат-акциядорлик транспорт-экспедиторлик компанияси, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспортда юк ташиш давлат-акциядорлик компанияси:

ўз фаолиятини харажатларини ўзи қоплаш ва хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади;

«Туркэксимбанк»нинг Халқаро савдо-кўргазма комплекси қурилишига кредитларни қоплаш бўйича мажбуриятларнинг хукукий ворислари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги кўрсатиб ўтилган акциядорлик компанияларининг давлатга тегишли акциялар пакетини бошқаришга вакил қилинсин.

8. Белгилансинки, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг марказий аппарати ва худудий органлари таъминоти харажатларини маблаф билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари, шунингдек ўзига қарашли ташкилотлар ажратмалари, хўжалик фаолиятидан тушумлар ва бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

9. Агентлик хузурида Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ахборот таъминотини ташкил этиш ва ташқи бозорлар маркетинг тадқиқотлари жамғармаси ташкил этилсин.

Куйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини аккредитация қилганлик учун, қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда лицензия, рухсатнома берганлик, товарлар келиб чиқишига сертификат берганлик, экспорт-импорт контрактларини дастлабки экспертизадан ўтказганлик, хўжалик юритувчи субъектлар буюртманомасига кўра техник-иктисодий асослашларни экспертизадан ўтказганлик, форс-мажор вазиятлар юзага келганлигига оид гувоҳнома берганлик, ахборот тусидаги маълумотлар берганлик учун йифимлар;

хўжалик юритувчи субъектлар учун ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини ташкил этганлик, хўжалик юритувчи субъектларга ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ахборот-таҳлилий маълумотлар берганлик, ташқи иқтисодий фаолият катнашчиларига маслаҳат қўмаги, расмий таржималарни амалга оширганлик, протоколга оид тадбирларни ташкил этганлик ва уларга хизмат кўрсатганлик учун тўловлар;

Агентлик муассиси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан дивидендер.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда икки ҳафта муддатда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

хар йили республика бюджетини шакллантиришда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, унинг худудий органлари таъминотига ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга зарур маблағларни назарда тутсинга;

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Қорақалпогистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Агентликнинг минтақавий бўлинмалари учун енгил автомобиллар харажатларига амалдаги лимитларни сақлаб қолсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан биргаликда амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.


12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 23 октябрь,  
368-сон


Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорига  
1а-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий  
алоқалар агентлиги тизими  
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги марказий аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар  
аентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар аентлиги (кейинги ўринларда «Агентлик» деб аталади) ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви ваколатли органи хисобланади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хисоб беради.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Ўзбекистон Республикаси вазирлклари, идоралари ва ташкилотлари ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига таъсир кўрсатувчи таклифлар, қарорларни ҳамда норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида уларни олдиндан Агентлик билан келишиб оладилар.

4. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул килинадиган қарорлари вазирлклар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар аентлиги тизимиға Коракалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар аентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, ихтисослаштирилган хўжалик хисобидаги ташкилотлар, хорижий давлатлардаги Агентликка карашли ташкилотлар бўлган савдо ва иқтисодий ваколатхоналар киради.

Агентлик шунингдек, ўзининг вазифалари ва функцияларини бажаришга ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи корхоналарга умумий ва методик раҳбарликни амалга оширади.

6. Агентлик юридик шахс хисобланади, банкларда хисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

**II. Агентликнинг асосий вазифалари ва функциялари**

7. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари хисобланади:

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш ва уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда қатнашиш;

миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда уни жаҳон иқтисодиёти тизимиға интеграциялаш бўйича шарт-шароитлар яратиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш;

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари товарларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро хуқуқ субъектлари билан савдо-иктисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий хавфсизлигини ва иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хукуқлари ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларини ташкил этиш.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан юкландиган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

8. Агентлик ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ягона давлат ташқи иқтисодий сиёсати ўтказилишини таъминлаш соҳасида;

камситмаслик принципларига асосланган ташқи иқтисодий сиёсатни эрkin ва teng хукуқли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади;

давлат бошқарув органларининг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шунингдек бошқа дастурлар ва прогноз ишланмаларини ишлаб чиқиша қатнашади;

ташқи савдонинг асосий индикаторлари параметрларини, валюта балансини шакллантиришда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг валюта, божхона-тариф ва солик сиёсатини шакллантиришда бевосита қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича зарур ахборотларни тақдим этади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги статистик ҳисобот шаклларини ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий алоқаларнинг ахволини таҳлил қиласи, конъюнктурани ўрганиди ва шу асосда жаҳон товар бозорларини, инвестиция, молия, инжиниринг, консалтинг, маркетинг ва бошқа ишлар ва хизматлар бозорлари ривожланиши, ташқи савдони ҳамда асосий савдо оқимларининг жуғрофий тақсимланиши ўзгариши тенденцияларини прогноз қиласи;

республикада божхона-тариф бўйича тартибга солишини такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқади ва киритади;

товарлар, хизматлар, интеллектуал мулк обьектлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тўқимачилик товарлари, фуқаро авиатехникаси билан халқаро савдо қилиш, давлат харидларини, юклаб жўнатишдан олдинги инспекцияни амалга ошириш, савдода санитария, фитосанитария ва техник тўсиқларнинг қўлланиши билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда транспорт коммуника-

циялари соҳасида ташқи иқтисодиётнинг стратегик масалалари бўйича, шу жумладан республиканинг ташқи савдо юкларини ташишни мақбуллаштириш, республиканинг коммуникация тизимларини халқаро транспорт коммуникациялари тизимига интеграциялаш мақсадида янги транспорт маршрутларини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ишлаб чиқади;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси томонидан имзолаш тўғрисида таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамасига ва тегишли вазирликлар ва идораларга ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, шу жумладан солик, валютани тартибга солиш, тарифли ва тарифсиз тартибга солиш чора-тадбирлари бўйича масалаларда қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда эркин иқтисодий зоналар бўйича давлат сиёсатини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

электрон тижорат соҳасида Ўзбекистон Республикасининг савдо сиёсати стратегиясини ишлаб чиқади, давлат бошқарув органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда Ўзбекистоннинг электрон савдо ва ташқи иқтисодий фаолиятни ахборотлаштириш соҳасида хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодиёти ҳавфсизлигини, иқтисодий манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектлари хукук ва манфаатларининг химоя килинишини таъминлаш соҳасида:

чет элларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларини ифодалайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси топшириғига кўра халқаро ташкилотларнинг контибиятларида ва бошқа ишчи органларида республиқанинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича манфаатларини ифодалайди, Ўзбекистон Республикаси вакилларининг халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашишига кўмаклашади, шунингдек улар билан биргаликда конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ва бошқа анжуманлар ўтказади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига товарлар экспорти ва импорти юзасидан миқдорий чеклашлар киритиш тўғрисида, товарларнинг айрим турлари экспорти ва/ёки импортига давлат монополиясини ўрнатиш тўғрисида, шунингдек товарлар экспорти ва/ёки импортини тақиқлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамасига чет элларда Ўзбекистон Республикасининг савдо ваколатхоналарини очиш ва ёпиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ўз вакилларини чет элдаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналари хузуридаги иқтисодиёт бўйича маслаҳатчилар сифатида юборади;

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига кириши ва аъзо бўлиши жараёни доирасида Жаҳон савдо ташкилотининг тегишли органларида республиқанинг ҳамда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг манфаатларини ифодалайди;

мамлакатнинг қонун ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилоти битимлари норма ва қоидаларига мослаҳтириш бўйича таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси билан амалий ишларни чеклашга интилишган ёки республиканинг хўжалик юритувчи субъектлари олдидағи мажбуриятларини вижданан бажаришмаган хорижий давлатлар компаниялари рўйхатини юритади, ташқи иқтисодий фаолияти субъектларига ушбу рўйхат мазмуни бўйича консультациялар беради;

ташқи бозорда давлат манфаатларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади, шу асосда ташқи иқтисодий соҳадаги салбий ҳолатларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги ҳалқаро шартномалари бўйича томонлар мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади;

халқаро иқтисодий низоларни жумладан: низоларни бартараф этиш учун музокаралар ўтказиш, воситачиликни амалга ошириш, низоларни ҳалқаро тижорат ҳакамлигига бартараф этиш, низоларни хорижий давлатлар судларида ва ҳалқаро судларда кўриб чиқиши орқали бартараф этиш, шунингдек низоларни Жаҳон савдо ташкилоти доирасида бартараф этиш йўли билан ҳал этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритади;

давлат эҳтиёжлари учун импорт харидлар тизимини мақбуллаштиради, давлат аҳамиятига молик товарлар харидларини, шу жумладан тендерлар ташкил этиш йўли билан, амалга оширади;

**в) ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида:**

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштиради ва тартибга солади;

республика ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг, хорижий жисмоний ва юридик шахсларнинг республика худудидаги ҳамда чет эллардаги фаолиятини тематик ва комплекс ўрганишни ташкил этади ва амалга оширади;

хорижий тижорат ташкилотлари ваколатхоналарини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида аккредитация қилишни ҳамда кўрсатиб ўтилган ваколатхоналарнинг хорижий ходимларини шахсан аккредитация қилишни амалга оширади, шунингдек ана шундай ваколатхоналар томонидан тақдим этиладиган улар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни кўриб чиқади;

экспорт-импортни лицензиялашни амалга оширади, қонунчиликда белгиланган холларда тегишли руҳсатномалар беради;

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг давлат савдо реестрини ва хорижий тижорат ташкилотларининг аккредитация қилинган ваколатхоналари бўйича маълумотлар банкини юритади;

Савдо ва тариф бош битими/Жаҳон савдо ташкилоти принципларига мувофиқ юклаб жўнатишдан олдинги инспекция бўйича фаолиятнинг ташкил этилишини мувофиқлаштиради;

хавфли юклар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмларни Ўзбекистон Республикаси худуди орқали транзит бўйича ўтказишида белгиланган тартибда хулосалар беради ва назоратни амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни олиб кириш — олиб чиқиб кетиш ва транзити тартибига риоя қилиниши устидан қонунчиликда белгиланган тартибда назоратни амалга оширади ҳамда қонунчиликда белгиланган холда уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўради;

ташқи савдо битишувлари ва ҳалқаро шартномалар шартларига мувофиқ енгиб бўйлайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари тўғрисида хабар беради;

қонунчиликда белгиланган ҳолларда, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган савдо-иктисодий шартномалар, контрактлар ва битимларни экспертизадан, рўйхатдан ўтказиши ва ҳисобга олишини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси юкларини транспортда ташиш, транспорт коридорларини ривожлантириш ва ҳалқаро ташувларни амалга ошириш бўйича масалаларни кўриб чиқишида катнашади;

ташқи савдо юкларини ташишни, шу жумладан коммуникация хизматларига,

транспортда ташишга, портларда ишлов беришга ва экспорт-импорт ҳамда транзит юкларни экспедиция килишга тариф сиёсатини тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда қатнашади;

миллий транспорт ташкилотларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, республика транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда транзит юк оқимларини жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

Вазирлар Маҳкамасига халқаро мультимодаль транспорт коридорлари ва узелларининг ривожлантирилиши ва фаолият кўрсатиши масалалари бўйича таклифлар киритади;

Вазирлар Маҳкамасига импортни мақбуллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича, шунингдек товарларни олиб кириш ва олиб чиқиб кетишида муҳофаза, компенсация, антидемпинг ва бошқа чора-тадбирларни қўллаш тартиби бўйича таклифлар киритади;

олиб келинаётган ва олиб чиқиб кетилаётган товарларни сертификациялаш қоидаларини ишлаб чиқишида, техник, фармакологик, санитария, ветеринария, экология стандартлари ва талабларини белгилашда, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида юклаб жўнатишдан олдинги инспекциялар, божхона расмиятичилиги, экология, ветеринария, фитосанитария ва санитария нормалари талабларига риоя этилишини таъминлашда қатнашади;

товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импортини тартибга солиш, шу жумладан стандартлар, мувофиқликни тасдиқлаш тизимлари бўйича талабларни қўллаш, товарлар хавфсизлиги нормаларига, уларни идишларга жойлаш ва маркировка қилиш қоидаларига риоя қилиш товарга доир ҳужжатларнинг тегишли шаклларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тижорат, валюта ва тўлов шартлари ҳамда давлат ташқи қарзлари ҳисобига ёки ҳукумат кафолатлари остида маблағ билан таъминланадиган контрактлар бўйича, шунингдек экспорт ва /ёки импорт қилишга давлат монополияси ёки миқдорий чеклашлар белгиланган товарларнинг айрим турлари бўйича ташқи савдо нархлари устидан назоратни амалга оширади;

товарларнинг келиб чиқишини сертификациялаш, ўз эҳтиёjlари учун хорижий инвесторлар томонидан импорт қилинадиган маҳсулотларни сертификациялаш, мамлакатда ишлаб чиқарилган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни сертификациялашни мустақил амалга оширади ёки бу борадаги ваколатларини бошқага беради;

корхоналар ва ташкилотларда маркетинг хизматлари ташкил этилишига ва фаолият кўрсатилишига методик ва амалий кўмаклашади;

экспорт назорати соҳасида ишларни мувофиқлаштиради ва амалга оширади, охирги фойдаланувчи сертификатларини беради, экспорт назорат объектларининг миллий рўйхатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

юқори ликвидли маҳсулотларнинг кимошли савдосини ташкил этишда ва ўтказишида қатнашади;

г) иқтисодиётни ривожлантиришни рафбатлантириш ва уни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялаш соҳасида:

республика ҳўжалик юритувчи субъектларининг ташқи бозорларга кириб бориши учун кулагай шарт-шароитларни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг турли шаклларини, шу жумладан қўшма тадбиркорликни, бевосита ишлаб чиқариш ва илмий-техник алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашади;

республика худудида, шунингдек асосий дengiz portlariда, temir йўл чегара

станцияларида ташқи савдо юкларига транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш, ташқи савдо юкларини тўплаш, тайёрлаш ва декларациялашни ташкил этиш, экспорт-импорт юклари харакати ва транзити мониторинги тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиша ва амалга оширишда қатнашади;

Ўзбекистоннинг ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

тегишли вазирликлар ва идорлар томонидан амалга ошириладиган иқтисодий, шу жумладан савдо, инвестиция, транспорт, молиявий, илмий-техник ҳамкорлик самародорлигини ошириш, шунингдек ташқи иқтисодий тусдаги туристик ва бошқа алоқаларни ривожлантириш бўйича тадбирларни мувофиқлаштиради;

республика ташкилотларининг чет эллардаги ҳалқаро савдо-саноат кўргазмалирида, ярмаркаларда, кимошди савдоларида ва шу каби тадбирларда қатнашишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради, тижорат-ахборот ва реклама ишларини амалга оширади;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, энг аввало экспорт фаолиятида, шунингдек инвестицияларни жалб этишда ва бошқа фаолиятда кўмаклашади;

кичик ва ўрта бизнес корхоналарини, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият бошқа субъектларини хукуқ, нарх, валюта, молия, кредит масалалари бўйича, ташқи бозорнинг экспортга етказиб берилаётган маҳсулотлар сифатига, техник тавсифномаларига талаблари бўйича методик, ахборот ва консультатив таъминлашни амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчилик бўйича шархлар ва тушунтиришлар беради;

ташқи иқтисодий алоқалар муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

д) экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш соҳасида:

миллий товар ишлаб чиқарувчилар ва бошка хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулотларини экспорт қилишга кўмаклашишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

иктисодиёт тармокларида янги тузилмалар, гурухлар ташкил этиш ва бошқа таркибий ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритади;

янги корхоналар ташкил этиш ва ишлаётган корхоналарни қайта ташкил этиш бўйича таклифлар киритади;

миллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишни мақбуллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни жорий этиш тўғрисида таклифлар киритади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда экспорт салоҳиятини кенгайтириш, импортнинг ўрнини тўлдириш ва маҳаллий моддий-хом ашё ресурслари негизида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқади, шунингдек уларни амалга оширишда кўмаклашади;

энг муҳим товарларни, шу жумладан пахта толаси, рангли металлар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш ҳамда экспортга етказиб бериш балансларини ишлаб чиқиша бевосита қатнашади;

пахта толаси жаҳон бозорида қисқа, ўртача ва узоқ муддатли даврда тадқиқотлар ўтказади ҳамда вазиятнинг ривожланиш сценариясини ишлаб чиқади;

ташқи бозорлар талабларини ва маҳаллий моддий-хом ашё ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларни ҳисобга олган ҳолда экспортнинг турли механизмлари ва схемаларини, ишлаб чиқариш жараёнини мақбуллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади;

экспорт дастурларини ва хорижий инвестицияларни суфурталаш ташкилотлари ни ташкил этишда қатнашади;

ташқи сотиш бозорлари эҳтиёжини ва талабларини ўрганади, экспорт стратегиясини, шунингдек экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш, экспортни маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг анъанавий экспорт номенклатураси билан савдо килишда шарт-шароитларни мақбуллаштириш ва янги инструментларни жорий этиш ҳисобига, ҳам анъанавий бўлмаган экспортнинг бошқа хил маҳсулотлар (ишлар ва хизматларни) олиб кириш ва экспорт номенклатурасини диверсификациялаш ҳисобига халкаро бозорларга чиқиши бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича таклифлар киритади;

экспорт маҳсулотлари ҳажмларини кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича потенциал имкониятларни таҳлил қиласи ва чора-тадбирларни амалга оширади;

мамлакатимиз маҳсулотларининг потенциал импортчилари бўлган давлатлардаги иқтисодий вазиятни таҳлил қиласи, минтақанинг товар бозори конъюнктурасини ўрганади ва уни ривожлантириш тенденцияларини прогноз қиласи, минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

экспортга йўналтирилган маҳсулотлар, шунингдек тармок бўйича экспорт маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

миллий экспортнинг бутун номенклатураси бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказди ҳамда маркетинг ва таҳлилий обзорлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларини республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ташқи бозорларда сотилиши аҳволи, шунингдек маҳсулотларнинг бошқа турларини сотишнинг потенциал бозорларига экспорт қилиш истиқболлари тўғрисида ўзининг даврий нашрлари ва техник воситалари орқали хабардор қиласи;

умумдавлат аҳамиятига эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича экспорт-импорт операцияларининг бажарилиши мониторингини ўтказиши ташкил қиласи ва амалга оширади;

манбаатор вазириклар ва идоралар билан биргаликда ноанъанавий экспорт, шу жумладан илмталаб маҳсулотлар, технологиялар ва хизматлар, ишлаб чиқариш-технологик кооперациялаш ва илмий ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишида қатнашади, ишлаб чиқаришида сифатни бошқариш ва уларни сертификатлаш тизимларини жорий этиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

экспорт қилинадиган товарлар миқдори ва сифатини эксперт баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

республика корхоналари, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортини ташкил этишда қатнашади, уларга хорижий бозорлар маркетинг тадқиқотларини ўтказишида кўмаклашади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан экспорт ва импорт прогнозларининг бажарилишини улар томонидан Агентликка юбориладиган ахборотлар асосида мониторинг ва таҳлил қиласи ҳамда натурал ва нарх ифодасида экспорт суръатларини, нисбатини ва самарадорлигини прогноз қиласи;

ташқи савдо инфратузилмасини электрон савдонинг жаҳон тизимиға интеграциялаш, «Интернет»нинг глобал тармоғида миллий экспортчилар иштирокини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият ахборот марказини барпо этиш бўйича дастурлар ва чора-тадбирлар комплексларини ишлаб чиқади;

е) хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида:

давлат органларининг хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикаси худудига жалб этиш учун шарт-шароитларни тартибга солиш ва яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишида ва амалга оширишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг норматив-хуқуқий ва шартномавий базасини ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг устувор тармоқларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни давлат томонидан қўллаб-куватлайди;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодиётнинг устувор секторлари рўйхатини ва энг муҳим ишлаб чиқаришлар рўйхатини аниқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда имтиёзлар ва преференциялар бериш тартиби бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хўжалик юритувчи субъектларнинг уларга тадбиркорлик обьектларида моддий ва номоддий бойликлар ва хуқуқлар бериш ва чет элдаги бошқа фаолият билан боғлиқ бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

республика резидентларининг чет элдаги корхоналари ва филиаллари фаолияти мониторингини амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларига хорижий шериклар қидиришда ҳамда уларнинг ишончлилиги ва ишчанлигини таҳлил килишда кўмаклашади, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида ахборотлар билан қўллаб-куватлайди;

Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда реклама-ахборот ишларини амалга оширади, шу жумладан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ютуқлари ва инвестиция имкониятларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ва чет элларда саммитлар, анжуманлар, семинарлар, тақдимотлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни амалга оширади;

оммавий ахборот воситаларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга таалуқли барча норматив-хуқуқий хужжатларнинг эълон қилинишини таъминлайди;

стратегия жиҳатидан муҳим бўлган инвестиция дастурлари ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, ташқи кредитларни жалб этади, ташкилотлар ва корхоналар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар асосида уларнинг самарали фойдаланилиши бўйича мониторинг олиб боради;

экспорт салоҳиётини ва ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган товарлар, ишлар, хизматларнинг ташки бозорлардаги ракобатга бардошлилигини аниқлаш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг маркетинг экспертизасини ўтказади;

ложиҳаларнинг техник-иктисодий асослашлари экспертизасини белгиланган тартибида ўтказади, ўирик инвестиция лойиҳалари ва дастурларининг холисона экспертизасини ташкил этиш бўйича таклифлар киритади;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши мониторингини, шу жумладан инвестиция шартномалари шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тендер савдолари ўтказишида кўмаклашади;

хорижий инвесторларга ахборот-консультация кўмаги кўрсатилишини таъминлайди;

конунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларига чет мамлакатларда хўжалик низоларини судгача кўриб чиқиши тартибида бартараф этишида ёрдам кўрсатади;

конунчиликда белгиланган тартибда хорижий юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасида хўжалик низоларини бартараф этишида судгача кўриб чиқиши тартибида ёрдам кўрсатади;

йирик корхоналарни хусусийлаштириш бўйича танловлар ташкил этишида қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида корхоналар, филиаллар, корхоналар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси резидентларининг сармоясини олиб чиқиб кетиши стратегияси ва тартибини ишлаб чиқиши бўйича таклифлар киритади, ўз ваколатлари доирасида чет элдаги республика резидентлари корхоналари фаолиятини кўллаб-куватлади;

тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимларини таҳлил қиласди, уларни жалб этиши ва рағбатлантириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради;

ж) икки томонлама ва кўп томонлама савдо-иктисодий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ва ҳукумат ташкилотлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорлик стратегиясини шакллантиришда ва чора-тадбирларни амалга оширишда қатнашади;

хорижий давлатлар органлари, чет элдаги халқаро ва бошқа ташкилотлар, фирмалар, компаниялар ва корхоналар, Ўзбекистон Республикасидаги хорижий давлатларнинг элчиҳоналари ва ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий фирмалар, компаниялар ва корхоналар билан тўғридан-тўғри алоқаларни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати топшириғига кўра музокаралар ўтказади ва халқаро шартномалар тузади, шунингдек бошқа давлатларнинг ташқи иқтисодий органлари, фирмалари, компаниялари ва корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият масалалари, шу жумладан савдо-иктисодий, инвестиция, молия, солиқ, транспорт-коммуникация, илмий-техник ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича халқаро шартномалари лойихаларини тайёрлайди, киритади ва уларни хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан келишиб олади;

Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий давлатларга давлат ташрифлари билан боғлиқ тадбирларни ахборот-таҳлил, шартномавий-хуқукий, ташкилий жиҳатдан таъминлашда қатнашади;

хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг техникавий, мурувват, беғараз ва бошқа ёрдамларини олиш жараёнини мувофиқлаштиради;

хорижий мамлакатлар давлат хокимияти ва бошқарув органларининг, ташкилотлар ва фирмаларининг ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, зарур ҳолларда ушбу масалалар бўйича таклифларни тайёрлайди ва Вазирлар Махкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга тақдим этади, шунингдек мурожаатларга жавоблар юборади;

хорижий давлатлар билан савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар (қўмиталар, кенгашлар)нинг Ўзбекистон бўйича котибияти функцияларини бажаради;

Ўзбекистон Республикасининг асосий ва истиқболли шерилари ташки савдо режимлари, шу жумладан эркин савдо зоналарининг, божхона иттифоқларининг фаолият кўрсатиши, энг кўп қулайлик берадиган режимлар, амалдаги божхона-тариф қоидалари, лицензиялаш ва квоталаш тартиботлари, товарларнинг божхона қўйматини ва келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш ва бошқа масалалар билан боғлиқ ахборотларни тўплайди ва туркумлаштиради;

хорижий мамлакатларнинг сиёсий-иктисодий ва молия-кредит ахволи, иктисодий ривожлантириш дастурлари, ташки иктисодий алоқалари хусусиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва таҳлил қиласди;

ташки иктисодий алоқалар соҳасида тузилган битимлар ва шартномаларнинг амал қилиш муддатларини узайтириш ёки денонсация қилиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ўзбекистоннинг айрим мамлакатлар, мамлакатлар гурухлари ва минтақалар билан савдо-иктисодий муносабатларини, ишлаб чиқариш кооперацияларини, қўшма ишлаб чиқаришларни ҳамда хорижий давлатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан бевосита алоқаларни кенгайтириш бўйича таклифлар киритади;

республиканинг хорижий мамлакатлар билан ташки иктисодий алоқаларини ривожлантиришга доир ахборот-реклама ишларини амалга оширади;

ташки иктисодий ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий делегацияларни қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши, шу жумладан учрашувлар ва кузатишларни ташкил этиш, делегация аъзоларига визалар олиш ва уларнинг муддатини узайтириш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт хизмати кўрсатиш, музокаралар, бизнес-семинарлар, конференциялар, Ўзбекистон Республикаси бўйича ташрифларни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар комплексини амалга оширади;

з) кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

тегишли органларга ташки иктисодий фаолият соҳасидаги ўқув режалари, дастурлари ва ўрта маҳсус ҳамда олий ўқув юртларида мутахассисларни ўқитиш жараёни бўйича таклифлар киритади;

Агентлик тизими ходимлари ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар мутахассислари учун чет элларда қисқа муддатли ва узоқ муддатли тажриба орттириш ўқишилари ва семинарлар ташкил этади;

Агентлик тизимида, шу жумладан Агентликнинг ўқув марказлари базасида иктиносидий йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари ва тингловчиларининг касб бўйича тажриба орттиришларини ва диплом иши тайёрлашдан олдинги практикасини ташкил этади;

ташки иктисодий фаолият субъектлари учун ташки савдонинг долзарб масалалари бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқади;

Агентлик ташки иктисодий бирлашмалари, фирмалари ва бошқа ташкилотларининг мутахассисларни хорижга хизмат сафарига юбориш ва ташки иктисодий соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ишларини мувофиқлаштиради ва ишлари самарадорлигини таҳлил қиласди;

Агентликнинг Ўқув марказида ўқитишни ташкил қиласди ва ташки иктисодий фаолият соҳасида малака ошириш курсларида ўқиганлик тўғрисида тегишли хужжатлар беради;

и) Агентлик юкорида кўрсатилганлардан ташқари ўзининг мақсадлари ва вази-

фаларига мувофиқ келувчи ҳамда амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа функцияларни бажаради.

### **III. Агентликнинг ҳуқуқлари**

9. Агентлик қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ таклифлар, қарорлар ва норматив хужжатлар лойиҳаларини киритиш;

ўз ваколатлари доирасида ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи идоравий норматив хужжатлар қабул қилиш;

Агентлик вазифалари ва функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлган қабул қилиш учун киритилаётган таклифлар, қарорлар ва норматив хужжатлар лойиҳаларини келишиб олиш;

ўз ваколатлари доирасида хориждаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, бошқа юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар билан алоқа боғлаш;

хорижий мамлакатлар билан белгиланган тартибда техник ва иқтисодий ахборотларни айирбошлиши амалга ошириш, вазирликлар, идоралар ва ташки иқтисодий фаолият субъектларидан ахборотларни сўраб олиш;

ташки иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ваколатли органлар, хўжалик юритувчи субъектлардан статистик маълумотлар, таклифлар, хулосалар ва бошқа зарур материалларни, ташки савдо асосий индикаторлари параметрларини ишлаб чиқиш ва бажарилишини текшириш учун зарур бўлган, шу жумладан идоравий статистика материалларни ва бошқа ахборотнома материалларни олиш, шунингдек юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ ёзишмалар олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан хорижда муассасалар очиш тартиботини тартибга солиш ҳамда уларни ҳисобга қўйиш;

тегишли вазирликлар, идоралар, давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва давлат бошқаруви органлари, шунингдек корхоналар масъул шахсларининг ташки иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, ташки бозорда республика манфаатларига риоя килиниши, республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш масалалари ҳамда ташки иқтисодий алоқаларга оид бошқа масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш;

конун хужжатларида белгиланган ҳолларда ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузаятган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан чоралар кўриш;

Агентлик тизимида кирувчи хориждаги қўшма корхоналарни, ҳалқаро лойиҳаларни, шунингдек ўзига қарашли ташки иқтисодий компанияларни, фирмаларни, марказларни, агентликларни, жамғармаларни, ўқув юртларини ва Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашаётган бошқа ташкилотларни, шу жумладан республикадаги ва хориждаги хорижий шериклар иштирокидаги ташкилотларни белгиланган тартибда ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;

белгиланган тартибда бўлинмаларни (бўлимларни) тузишни ташкил этиш, ўзига қарашли фирмалар, бирлашмалар ва ваколатхоналарнинг филиалларини, шу жумладан хорижий давлатларда, очиш;

Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилиш Агентлик томонидан ўз вазифаларини ва функцияларини тўлиқ ва самарали бажаришга кўмаклашиши мумкин бўлган уюшмаларда, федерацияларда ва бошқа бирлашмаларда белгиланган тартибда қатнашиш (шу жумладан бирлашмаларни ташкил этиш);

Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий муаммолари бўйича мувофиқ-

лаштирувчи, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идораларо эксперт комиссиялари тузиш, шунингдек махсус йиғилишлар чакириш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари бўйича таклифлар тайёрлаш учун зарур ҳолларда олимлар, тармок мутахассисларидан вактингчалик ишчи гурухлари ташкил этиш, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида маслаҳатлар учун, муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун ҳам республикадан, ҳам хориждан олимларни, мутахассисларни ва эксперталарни шартнома асосида жалб қилиш;

конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ташқи савдо акциядорлик компанияларидаги давлатга тегишли акциялар (улушлар, пайлар)ни бошқариш;

ўзига қарашли ташкилотларнинг соликлар тўлангандан кейин қоладиган фойда-си ҳисобига шакллантириладиган Агентлик тизимининг идоравий марказлаштирилган жамғармаларини ташкил этиш, улардан фойдаланишнинг асосий ўйналишларини белгилаш, шу жумладан хорижий кредитларни тўлаш, биринчи навбатда Ҳукумат кредитларини ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитларни тўлаш;

ўз қурилиш моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

Агентлик ва унга қарашли бўлинмалар томонидан республикада ва хорижда тури-ли хизматлар кўрсатиш ва фаолиятдан, руҳсатномалар бериш ҳамда хорижий ташки-лотлар ваколатхоналарини ва фуқароларни аккредитация қилишдан олинадиган ўз ихтиёрида қоладиган бюджетдан ташқари маблағлардан ўз моддий-техника базасини ривожлантириш ва ижтимоий мақсадлар учун фойдаланиш;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлат, банк ва тијорат кредитларини жалб этиш, валюта маблағларидан оқилона фойдаланишини, Ҳукумат томонидан кафо-латланган кредитларнинг қайтарилишини назорат қилиш, уларнинг ҳисобини юритиш ишларида қатнашиш, шунингдек ўзига қарашли ташқи иқтисодий ташкилотларга кре-дитлар ҳисобига операцияларни амалга ошириш ҳамда амалга оширилиши Вазирлар Махкамаси томонидан Агентликка юклangan лойихалар бўйича кредитлар ҳисобига тузилаётган контрактларнинг кредит бериш шартларига мувофиқлигини тезкор назо-рат қилишни топшириш;

ўз ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оши-риш;

ходимларнинг лавозим маошларига шахсий ва махсус қўшимчалар, шунингдек илмий даражаси, хорижий тилларни билиши ва узок муддатли хизмати учун устама-лар тўлаш;

Агентликнинг ва Агентлик розилиги билан ўзига қарашли ташкилотларнинг расмий таклифига кўра Ўзбекистонга келган хорижий делегацияларнинг республикада яшаш ва транспорт харажатларига ҳақ тўлаш;

ташқи иқтисодий алоқалар инфратузилмасини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб ҳам республика худудида, ҳам хорижда обьектларни, шу жумладан хорижий фирмалар иштирокида, қуриш ва реконструкция қилиш;

Агентлик тизимида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишини мунтазам назорат қилиш, ўзига қарашли ташкилотларнинг тијорат, молия ва хўжалик фаолия-тини текшириш ва тафтиш қилиш.

#### **IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган раис бошчилик қилади.

Раиснинг лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади. Улар ўртасидаги вазифалар Раис томонидан тақсимланади.

Раис Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, бошқа ўзига қарашли муассасалар ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қиласди, уни ташкил этади ва мувофиқлаширади.

Раис Агентликка юкланган вазифаларнинг бажарилиши ва Агентликнинг ўз функцияларини амалга ошириши учун шахсан жавоб беради, Агентлик фаолияти айrim йўналишларининг юритилиши учун Раис ўринбосарларининг ҳамда Агентлик марказий аппарати таркиби бўлинмалари раҳбарларининг масъулияти даражасини белгилайди.

Раис:

Агентликка қарашли корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

зарур ҳолларда Раис Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари раҳбарларининг бўйруқларини, фармойишларини, кўрсатмаларини, йўриқномаларини бекор қиласди;

Агентлик ваколатига тегишли масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;

Агентлик марказий аппарати бўлинмалари, Агентликнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

Агентлик марказий аппаратининг, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари штатлар жадвалини ходимларнинг белгиланган сони ва иш ҳаки фонди доирасида тасдиқлайди;

марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари, ўзига қарашли муассасалар ва ташкилотлар, хорижий давлатлардаги савдо ваколатхоналари ва улар аппаратининг раҳбар ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

Агентликнинг, шунингдек ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотлар раҳбар ходимларини хорижга хизмат сафарига юбориш масалаларини ҳал қиласди.

11. Агентликда Раис (ҳайъат раиси), Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи (келишув бўйича), Раис ўринбосарлари — лавозимига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси — лавозимига кўра, Агентлик, Агентликка қарашли ташкилотлар бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркиба ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъат мажлисларига зарур ҳолларда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш, молия органлари ва бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқаришда катнашувчи вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Ҳайъат аъзолари сони ва унинг шахсий таркиби Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳайъати ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида:

Агентлик марказий аппарати таркиби бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи

иқтисодий алоқалар бошқармалари, ўзига қарашли компаниялар, фирмалар, марказлар ва ташкилотлар, савдо ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикаси элчихоналари хузуридаги иқтисодий маслаҳатчилар фаолияти;

Агентлик аппарати бўлинмалари раҳбарларини, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси ва унинг ўринбосарини, ўзига қарашли ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари хузуридаги иқтисодий маслаҳатчиларни тайинлаш;

Хукумат топшириқларини бажариш ва Агентлик фаолияти прогнозлари билан боғлиқ ҳамда Агентлик ваколатига тегишли бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Ҳайъат унинг мажлисида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли хисобланади.

Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий қўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолганда раиснинг овози ҳал қилувчи хисобланади.

12. Агентлик белгиланган тартибда Агентлик тизимининг, шу жумладан ўзига қарашли ташкилотларнинг сафарбарлик тайёргарлиги бўйича тадбирларни амалга оширади.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг тузилмаси, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва марказий аппарати ходимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсати доирасида ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раҳбарлигига амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар бошқармалари:

ташқи иқтисодий алоқалар ривожлантирилиши, экспорт потенциали кенгайиши, минтақалар ташқи иқтисодий алоқалар субъектлари фаолияти устидан мониторинг амалга оширилиши учун жавоб берадилар;

минтақада Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсати ўтказилишини таъминлайдилар ҳамда уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда катнашадилар;

конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, Раис топшириғига кўра ташқи иқтисодий фаолиятни нотариф тартибга солиш масалаларида катнашадилар;

Агентлик томонидан берилган ваколатлар доирасида, мазкур Низомда белгиланган бошқа вазифалар ва функцияларни бажарадилар.

15. Агентликка қарашли ташкилотлар ва бўлинмалар тўғрисидаги уставлар ва низомлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси томонидан тасдиқланади.

16. Агентликка қарашли ташкилотларнинг акциядорлик жамиятларида, уюшмаларда, кўшма корхоналарда, концернларда ва тадбиркорлик (тижорат)нинг бошқа шаклларида қатнашиши, шу жумладан юқорида кўрсатиб ўтилган субъектларни таъсис этиши, шунингдек қўшимча даромад манбаи олиш мақсадида фаолиятнинг бошқа турларида қатнашиши Агентлик билан келишиб олинади.

17. Агентлик ўзига қарашли ташкилотларнинг мажбуриятлари бўйича мулкий жавоб бермайди, бу ташкилотлар эса Агентликнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигининг Минтақавий ваколатли вакили бошқармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 17 ноябрдаги 538-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 35-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада ташки иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 17 ноябрдаги 558-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташки савдони марказлаштиришдан ва монополиядан чиқаришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 4 апрелдаги 120-сон қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 24 июлдги 312-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 28-модда)га илованинг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 68-модда)га 2-илованинг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 5 январдаги 7-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 1-сон, 1-модда)га 2-илованинг 1-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 23-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**160 Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда Жамғармага юкланган асосий вазифаларни

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1-иловага\* мувофиқ вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, бошқа хўжалик бирлашмалари, банклар, халқаро, жамоат ва нохукумат ташкилотлари, хорижий компанияларнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси муассислари сифатида қатнашиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Жамғарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари фаолиятини ташкил этишда фаол қатнашсинглар.

2. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2-иловага\* мувофиқ таркибда Ҳомийлик кенгаши тузилсан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика даражасида Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раиси эканлиги маълумот учун қабул қилинсан.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жамғарма минтақавий филиалларининг ҳомийлик кенгашлари тузилсан.

Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Жўқорғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар ҳомийлик кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.

Болалар спорт иншоотларининг моддий базасини қуриш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши юзасидан масъулият шаҳар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган биттадан етакчи мутахассислар штати киритилсан.

### 3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилмаси, унинг чекланган ходимлари сони 18 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси ва минтақавий филиалларнинг намунавий тузилмаси 3, 4, 5\* ва 5а\*-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, Жамғарма аппарати ва унинг минтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

### 4. Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манфаатдор давлат, нодавлат ва жамоат тузилмаларини, шунингдек хорижий шериклар маблағларини жалб этишни таъминлаш;

болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни, шунингдек болалар спорт иншоотлари лойиҳаларининг намунавий, илмий асосланган негизда ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғармага унинг зиммасига юклangan вазифаларни бажаришда, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳар томонлама қўмаклашиш;

Жамғарма томонидан тўпланган маблағлардан мақсадли (йўналишлар бўйича) ва

\* 1, 2, 5, 5а-иловалар берилмайди.

конуний равиша фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш, Жамғарма ижро этувчи директорининг ва унинг тузилмаларининг Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги хисоботини мунтазам равиша эшитиш;

Жамғарманинг таъсис конференциясини ўтказишда, уни ноҳукумат ҳалқаро ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда ва унинг тузилмалари раҳбарларини тасдиқлашда кўмаклашиш тавсия қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма дирекцияси билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Жамғарма, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш схемасини 2003 йил 1 январгача ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этсин, бунда уларнинг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, шунингдек замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозланишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси кўрсатиб ўтилган талабларга мувофиқ болаларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда болалар ва ёшларнинг жисмоний тарбия-спорт тайёргарлигига эҳтиёжини, шунингдек болалар спорт комплексларининг санитария-гигиена ва майший шароитларига кўйиладиган юксак талабларни хисобга олувчи болалар спорт комплексларининг базавий намунавий лойиҳалари тендер асосида ишлаб чиқилишини ташкил этсин.

Жамғарма болалар спорт комплекслари базавий намунавий лойиҳаларининг буюртмачиси этиб белгилансин, бош лойиҳалаштириш ташкилоти функциялари «Давархитектқурилиш» қўмитасининг «ЎзЛИТТИ» акциядорлик жамиятига юклансин.

Белгилансинки, экспертизадан ўтмаган ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан келишилмаган болалар спорт комплексларини қуриш қатъий тақиқланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Жамғарманинг миңтақавий филиалларини жойлаштириш, уларни ўз функцияларини бажаришлари учун мебель ва зарур техника, алоқа воситалари билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи дирекциясини жойлаштириш учун бир ой муддатда бино ажратсин.

9. «Тошшаҳар йўловчitrans» уюшмаси шартнома асосида Жамғарма дирекцияси ни хизмат автотранспорти билан таъминласин, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги эса Жамғарма буюртманомасига кўра Жамғарма марказий аппаратини ва унинг миңтақавий филиалларини зарур алоқа, шу жумладан Ҳукумат алоқаси воситалари билан жиҳозласин.

10. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари К.Н.Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2002 йил 31 октябрь,  
374-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси  
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси  
марказий аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**

Раҳбарият:

Бошқарув раиси	1
Ижро этувчи директор	1
Кадрлар бўйича инспектор	1

**Молиявий ва моддий маблагларни шакллантириш,  
хорижий инвестициялар бўлими**

Бўлим бошлиги	1
Бош мутахассис	2
Етакчи мутахассис	1

**Болалар спорт комплексларини лойиҳалаштириш, жойлаштириш ва  
куришини ташкил этиш, улардан фойдаланиш, моддий-техника  
таъминоти бўлими**

Бўлим бошлиги	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1

**Болаларни спорт билан оммавий шугулланишга жалб этишини илмий-  
методик ва ташкилий таъминлаш бўлими**

Бўлим бошлиги	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1

**Жамғарма маблагларидан мақсадли фойдаланилишини молиявий  
назорат қилиш бўлими**

Бўлим бошлиги	1
Бош мутахассис	1
Етакчи мутахассис	1

**Бухгалтерия**

Бош бухгалтер	1
Бухгалтер-кассир	1

**Жами:** 18

Вазирлар Махкамасининг  
2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш  
жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармони билан ташкил этилган.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фар-

монлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва Уставга мувофиқ амалга оширади.

3. Жамғарма у ҳалқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган вактдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади. Жамғарма хўжалик мустақиллиги асосида фаолият кўрсатади, ўз мол-мулкига, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади. Ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлади, тегишли мажбуриятлар олади.

4. Жамғарма фаолиятида жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларидан катъи назар, корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнат жамоалари, муассасалар ва ижодий уюшмалар, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, тижорат тузилмалари, хорижий ва бошқа ташкилотлар, соғлом авлодни шакллантиришга ўз хиссасини қўшишни хоҳловчи юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрий асосда катнашишлари мумкин.

5. Жамғарма фаолияти хайрия туисига эгадир. Унинг маблағлари, уларнинг тушиш манбаларидан катъи назар, Жамғарманинг мақсади ва унга юклangan вазифаларга эришиш учун сарфланади.

Жамғарманинг тижорат ва савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

6. Жамғарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

## **II. Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари**

7. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, уларга соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг фоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантириши таъминлаш Жамғарма фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

8. Қўйдагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга кўмаклашиш;

болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгидаги спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, уларни салбий таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда зарарли одатлардан ҳолос этиш, болаларни барқарор феъл-атворли, Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакати учун фуурифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

биринчи навбатда қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортиниң моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самараали фойдаланиши таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлаш;

болаларни жисмоний ва маънавий тарбиялашнинг замонавий шакл ва услубларини, жинси ва ёшига қараб болаларга спорт кўнникмаларини сингдиришнинг, спорт соҳасида иқтидорли болаларни ихтисослаштирилган спорт мактаблари ва марказларидаги машғулотларга танлаб олишнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқиши ташкил этиш ҳамда уларни тадбиқ қилишга кўмаклашиш;

шаҳарларда ва қишлоқ жойларда спорт иншоотларини янада ривожлантириш уларни мамлакатнинг аҳоли пунктларида оқилона жойлаштириш ҳамда замонавий талабларга мувофиқ техника билан жиҳозлаш;

болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлашни назарда тутган ҳолда тиббиёт муассасалари ва ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликни таъминлаш;

болалар ва ёшларнинг ижтимоий ва ёши хусусиятларини ҳамда уларнинг жисмоний-спорт тайёргарлиги турларига эҳтиёжларини ҳисобга олиш, жойларда Жамғарманинг спорт фидойилари ишларини ташкил этиш бўйича ўкув-амалий дастурларини яратиш;

худуд ахолисининг зичлигини, спорт машғулотига жалб этиладиган болалар сони, жинси ва ёшини эътиборга оладиган болалар спорт майдончалари ва комплексларининг илмий асосланган намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш;

болаларни жисмоний тарбиялашнинг илмий асосланган замонавий тизимлари, шакл ва услубларини жорий этиш, болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида ва чет элларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида республика Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, клуб ва ташкилотлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик килиш;

болалар оммавий спортини ривожлантириш, истиқомат жойларида техникавий жиҳозланган, замонавий болалар спорт комплексларини барпо этиш аҳамиятини кенг тарғиб қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришига жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакилларини, корхона ва ташкилотларни, шу жумладан халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш;

мамлакатимиз ҳамда чет эл инвестицияларини, ҳомийлик маблағлари ва грантларини болалар-ўсмирлар жисмоний тарбия ва спорти соҳасига кенг кўламда жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш;

иктидорли ёш спортчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш;

давлатлараро, халқаро, шунингдек минтақавий тузилмалар ва ташкилотлар билан халқаро спорт ҳамкорлигига, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, спорт-оммавий ишлар ва хайрия фаолияти бўйича тажриба алмашишда қатнашиш;

Ватанимиз жисмоний тарбия ва спортини ахборотлар билан таъминлаш тизимиши шакллантириш ва ривожлантириш, уларни жаҳон ахборот тармоғига киритиш;

минтақавий жамғармаларни ташкил этиш ва уларни зарур ўкув-методик ҳамда қўргазмали-расмли материаллар билан таъминлаш, ушбу ишга олимларни, юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, ноширлик базасини ва илмий соҳани ривожлантириш, давлат тилида луғатлар ва маълумотнома адабиётларни чоп этиш;

хўжалик фаолиятини ташкил этиш, устав вазифаларини бажаришга ёрдам берувчи сугурта, тижорат, шунингдек коммунал-маиший хизматлар кўрсатиш.

### **III. Жамғарманинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

9. Жамғарма юкланган вазифалар ва фаолият йўналишларини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қуидаги ҳуқуқларга эга:

уставдаги мақсад ва вазифаларни бажаришни таъминлаш учун ўз ваколатлари доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан ҳуқуқий ҳужжатларни мустақил ра-вишда тузиш;

болалар спортини ривожлантиришнинг турли масалалари бўйича белгиланган тартибда ташабbus билан чиқиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар киритиш;

оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўтказиш,

турли хил спорт мусобақаларида, нотижорат мақсадларида тендерлар ва танловларда қатнашиш;

давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар хамда фирмалар билан биргаликда болалар спортини ва унинг моддий базасини ривожлантириш бўйича ўз лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш;

республиканинг ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари, ташкилотлари, худудий органлари, шунингдек ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;

контракт асосида спорт-педагог кадрларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни, олимларни жалб этган холда, ўқитиш;

Жамғарманинг уставдаги фаолияти соҳасига тааллукли масалалар бўйича семинарлар ва конференциялар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси худудида қонун ҳужжатларига мувофиқ шуъба корхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш муассасалари ва бошқа ташкилотларни таъсис этиш;

минтақалараро ҳамкорликка кўмаклашиш;

зарур ҳолларда, уставдаги вазифаларни ҳал этиш учун муассисларнинг ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамидан: мол-мулкидан, бошқа мулкчилик обьектларидан, шу жумладан интеллектуал мулкидан шартномавий асосда фойдаланиш;

кўчар ва кўчмас мол-мулкни мулк қилиб сотиб олиш;

қонун ҳужжатларидаги назарда тутилган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қарорларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

ўз атрибуларини (фирма белгиларини) яратиш;

белгиланган тартибда банкларда ҳисоб-китоб рақамларини, шу жумладан валюта ҳисоб-китоб рақамларини очиш, миллый ва эрkin алмаштириладиган валютада банк кредитлари ва ссудалар олиш, ўз номидан шартномалар ва контрактлар тузиш, мулький ҳукукларга эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш;

фаолиятга маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

спортга оид материалларни нашр этиш ва тарқатиш;

Жамғарманинг моддий ва молиявий маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш;

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли консультация, ахборот хизматлари ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш;

оммавий ахборот воситаларида ўз фаолияти тўғрисида хабарлар бериш;

давлат, жамоат ва ҳалқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар боғлаш.

#### 10. Жамғарма қўйидагиларга мажбур:

ўсим келаётган авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат сиёсати ва дастурларини амалга оширишда фаол қатнашиш;

ваколатхоналарга, филиалларга ҳамда Жамғарма томонидан ташкил этилган бошқа ташкилотларга ўз фаолияти дастурларини ишлаб чиқишида ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларнинг ишларини ўз вақтида назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Жамғарма томонидан йўналтириладиган молиявий ва моддий маблағлардан уставдаги вазифаларга мувофиқ қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

11. Жамғарма ва унинг Коргаҳлопостон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий филиаллари ўз фаолиятида, энг аввало, болалар спорт иншотлари қурилиши масалаларида шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг тегишли ўринbosарлари, шунингдек шаҳарлар ва туманлар ҳокимлеклари штатларига янгидан киритилган, болалар спорти спорт базаларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган етакчи мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи ва уларга таянади.

#### **IV. Жамғарма қатнашчилари**

12. Давлат, жамоат ва нохуқумат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, корхоналар, банклар, бошқа жамғармалар, шу жумладан хорижий жамғармалар, шунингдек Жамғарманинг асосий вазифаларини амалга оширишда ихтиёрий асосда қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) Жамғарманинг катнашчилари ҳисобланадилар.

#### **V. Бошқарув органлари тузилмаси**

13. Жамғарма қатнашчиларининг Конференцияси Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади, Конференция Жамғарманинг уставдаги фаолияти асосий йўналишларини белгилайди.

Конференцияда Жамғарма бошқаруви, бошқарув раиси, тафтиш комиссияси сайланади, Жамғарма ижро этувчи директори тасдиқланади.

14. Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишга манбаатдор давлат, но-давлат ва жамоат тузилмаларини ва хорижий шерикларни жалб этишни таъминлаш, болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантиришга изчил ёндашувларни таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, Жамғарма томонидан уставдаги фаолияти амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг моддий-техника ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, шунингдек Жамғарма томонидан жалб қилинаётган маблағлардан катъий мақсадли фойдаланилишини таъминлаш учун Ҳомийлик кенгаси тузилади.

Ҳомийлик кенгаси Жамғарманинг уставдаги вазифаларига мувофиқ Жамғарма бошқаруви раисининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб боришга ва тасдиқлашга мажбур.

15. Назорат-тафтиш комиссияси Жамғарма маблағларидан мақсадли (йўналишлар бўйича) ва қонуний фойдаланилишини, Жамғарманинг, унга қарашли минтақавий филиаллар ва таркибий бўлинмаларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қиласди.

16. Бошқарув раиси ва аъзолари Жамғарма қатнашчилари орасидан Конференция томонидан сайланади.

Жамғарма бошқаруви раиси мақоми ва моддий-маиший шароитларига кўра вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

17. Жамғарма бошқаруви раиси Жамғарма ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятига раҳбарлик қиласди ва унинг учун жавоб беради, Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради, бошқа юридик, шу жумладан хорижий юридик шахслар билан муносабатларда унинг номидан вакиллик қиласди, бошқарув қарорларини имзолайди.

раис раҳбарлигига Бошқарув:

Жамғарма фаолиятини унинг фаолияти асосий йўналишлари бўйича мувофиқлаштиради;

Жамғарма марказий аппарати, унинг минтақавий филиаллари ва ваколатхоналари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

турли ташкилотларда, шу жумладан хорижий ташкилотларда Жамғарма манфатларини ифодалайди.

18. Жамғарма марказий аппарати жорий фаолиятига раҳбарликни ижро этувчи директор амалга оширади, у Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради, ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради, меҳнат тўғрисидаги конун хужжатларига

мувофиқ ходимларни ишга қабул қиласи ва ишдан бўшатади (Жамғарма бошқаруви билан келишган ҳолда) штатлар рўйхатини, марказий аппарат ва мінтақавий филиалларнинг жорий таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлади, Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади.

19. Жамғарма мінтақавий филиаллари раҳбарлари Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсияномасига кўра, Ҳомийлик кенгаши билан келишган ҳолда, Жамғарма бошқаруви томонидан тайинланадилар.

20. Жамғарма марказий аппарати штатдаги ходимлари сони 18 кишидан (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари), мінтақавий филиалларда эса — 3 кишидан иборат этиб белгиланади.

21. Жамғарма аппарати ва унинг мінтақавий филиаллари таъминоти Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

## **VI. Жамғарманинг мол-мулки ва молиявий маблағлари**

22. Жамғарманинг мол-мулки асосий воситалар ва Жамғарма томонидан Жамғарма қатнашчилари улушлари ҳисобига олинган бошқа активлардан ташкил топиши мумкин.

23. Жамғарманинг пул маблағлари:

давлат бюджети (республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар) маблағлари; Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилотлари ва клубларининг пул маблағлари;

хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтларнинг грантлари ва беғараз ёрдами;

бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ажратмалари, хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг ҳам резидентлари ва ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

Жамғарма фаолиятидан, шунингдек Жамғарма олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида Жамғарма томонидан таъсис этилган корхоналар ва ташкилотлар даромадлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

24. Жамғарманинг ҳар йилги даромадлар ва харажатлар сметаси Жамғарма бошқаруви тақдимномасига кўра Ҳомийлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

Жамғарманинг пул маблағлари уставдаги вазифаларни бажаришга, болалар спортини ривожлантиришга доир тегишли давлат дастурларида назарда тутилган тадбирларга, шунингдек Жамғарма томонидан амалга оширилаётган болаларни соғломлаштириш дастурларини рўёбга чиқаришда фаол қатнашаётган шахсларни рағбатлантиришга сарфланади.

25. Солиқлар, йигимлар ва тўловлар Жамғарма томонидан амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ тўланади.

26. Жамғарма ва унинг мінтақавий филиаллари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли барча мол-мулк билан жавоб берадилар.

Давлат Жамғарма мажбуриятлари бўйича, Жамғарма эса давлат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

27. Жамғарманинг мулкий ҳукуқлари Ўзбекистон Республикасининг жамоат

нохукумат ташкилотлар учун белгиланган қонун ҳужжатлариға мувофиқ мухофаза килинади.

## VII. Жамғарма фаолиятини тұхтатиш тартиби

28. Жамғарманинг фаолияти Жамғарма конференцияси қарорига күра ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тұхтатилади.

29. Жамғарма ихтиёрига берилған бинолар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мұлк уларнинг эгаларига қайтарылади.

30. Жамғармани тугатиш яқунланған, Жамғарма эса фаолиятини тұхтатған деб, бу тұғрида давлат рўйхатидан ўтказиш реестрига ёзиб қўйилған пайтдан бошлаб, хисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## 161      Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартырышлар кириши тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тұғрисида» 2002 йил 7 августдаги ПФ-3112-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласы:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қуидаги қарорларига ўзгартырышлар киритилсін:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлған норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тұғрисида» 1997 йил 11 мартағи 133-сон қарори билан тасдиқланган Алохид тусга эга бўлған ишлардаги кисқартирилған иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхатида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 11-модда):

6-банднинг иккинчи устуnidаги «14» рақами «18» рақамига алмаштирилсін;

7-банднинг иккинчи устуnidаги «16» рақами «20» рақамига алмаштирилсін;

8-банднинг иккинчи устуnidаги «640» рақами «800» рақамига алмаштирилсін;

9-банднинг иккинчи устуnidаги «720» рақами «800» рақамига алмаштирилсін;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касбхунар колледжлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида» 2000 йил 21 августдаги 327-сон қарори 1-банднинг учинчи хатбошидаги «640» рақами «800» рақамига алмаштирилсін.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 31 октябрь,  
375-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами, 2002 й.*